



Отамизнинг ўлганига анчагина йил ўтиб кетди. Бу йил - ўн еттинчи йилнинг кўкламида онамиздан хам ажралиб, шум етим бўлиб колдик. Биз тўрт етимдан хабар олиб туришга катта онам - онамнинг оналари Рокиябиби келиб турибдилар. Бу кишини биз эркалаб «кора буви» деб атаймиз.

Окшомлари бувим бошлиқ хаммамиз олди очик айвонда увунтўда[1] кўрпа-ёстикларга ўралиб, биттагина Ўратепанинг кир ип шолчаси устида ухлаймиз.

Сентабр ойларининг охири, илк куз окшомларидан бири эди. Хаво анчагина салкин. Биз етимлар бир-биримизнинг пинжимизга тикилиб, бир-биримизни иситиб уйкуга кетганмиз. Каторда энг сўнгги бўлиб, она чумчукдай кора бувим ётардилар, у киши саксондан ошиб кетган, носкаш кампир эдилар.

Бу окшом уч хўroz ўтгандан кейин, етти карокчи юлдузи тик келганда гўнгир-гўнгир овоздан уйгониб кетдим. Бувим ким биландир анчагина баланд овоз билан сухбатлашмоқда эдилар. Ховлимиз, ота-бувадан колган, анчагина катта бўлиб, тўртбурчак таноби ховлилардан эди. Гир атрофи иморат, шимол томонда амакиваччаларимиз туришарди. Лекин улар ёзда бoggа кўчиб кетардилар. Хозир улар томон бўш.

Буни каранг-а, бизнинг уйимизга ўгри кепти. Бизни хам одам деб йўклайдиган кишилар бор экан-да, дунёда? Эртага ўртокларимга тоза мактанадиган бўлдим-да: «Бизнинг уйга ўгри келди». Гурур билан айтилса бўлади. Лекин ишонишармикан?

Ўгри ўша амакиваччаларнинг томидан секин юра келиб, бувимнинг тўгрилариға келганда акса уриб юборибди. Бувим эса ёстикни кўкраклариға кўйиб, тил тагидаги нос билан ўйлаб ётар эканлар. Бувим «туф» деб носни туфлаб, томга караб:

— Ўгригина болам, хой ўгригина болам, хойнахой бирор тирикликтининг кўйида томга чиккан кўринасан, ахир касбинг нозик, тумов-пумовингни ёзиб чиксанг бўлмайдими, - дебдилар.

Ўгри томдан туриб:

— Ахир, бувижон, сиз хам бироргина кеча тинчингизни олиб ухласангиз бўлмайдими, бизнинг тириклигимизнинг йўлини тўсаверасизми? - дебди.

Мен гап шу ерларга келганда уйгониб кетган бўлсам керак. Колган гапларни

эшитганимча килиб ёзаман.

— Хой, айланай, ўгригина болам, бошимда шундай мусибат турганда кўзимга уйку келадими? Мана: олти ой бўлди, бирор соат мижжа кокиб ухлаганим йўк. Кундуз кунлар гарангдай довдираб юраман. Бирор ерга ўтиб мизигандай куш уйкуси киламан. Кечалари хаёл олиб кочиб кетади.

— Нималарни хаёл сурасиз, бувижон? - бу гапдан кейин устидаги тўнини турмучлаб[2] бўготнинг устига ёстик килиб кўйиб, ўгри хам ёнбошлаб олди.

— Нималарнинг хаёлини сурадим. Шу тўртта етимнинг эртасини ўйлайман-да, болам. Замонни ўзинг кўриб турибсан, тириклик тошдан каттиқ, туюнинг кўзидаи нон анкога шапиг. Хали буларнинг кўлидан иш келмайди. Сўккабошгина аравакаш тогаларининг топгани ўзининг рўзгоридан ортиб, буларга кут-лоянут[3] бўлиши кийин. Рўзгорда бўлса, кўз кўриб, кўл тутгудай арзигулик буюм колгани йўк. Бир чеккадан сотиб еб турибмиз. «Туриб еганга турумтог чидамас», деганлар. Эҳ-ха, бу болалар качон улгаяди-ю, качон ўзининг нонини топиб ейдиган бўлади! Чор-ночор хаёл сурасан, киши. Тагин бу етимларнинг биттагинаси ўгил, учтаси киз. Энди ўн тўртдан ўн бешга ўтди. Кизлари кургур качон бир ерга элашиб кетади-ю. Ўзи ўраб, ўзи чирмаб оладиган жой чикмаса, буларга кимнинг хам кўзи учиб турибди дейсан. Замон каттиқ, ўгригина болам, замон каттиқ!

— Тўгри айтасиз, бувижон, - деди ўгри, - менинг хам икки болам, хотиним, битта кампир онам бор, бир товукка хам дон керак, хам сув керак, деганларидек, шуларни бокишим керак. Тўртта чавати нон[4] топиш учун ўзимни ўтга, чўгга, Алининг киличига ураман. Бўлмаса, ишлай десам билагимда кувват бор, акл-у хушим жойида. Менга хозир шу килиб турган ўгрилик касби ёкади, дейсизми. Туппа-тузук аёлманд косибнинг боласи эдим. Замон чаппасига кетди. Керинска пошшо[5] бўлгандан кейин уруш тўхтайди, деган эдилар. Хали-бери тўхтайдиган кўринмайди. Хали хам замон-замон ўша илиги тўкларники.

— Бирор бошка касб килсанг бўлмайдими, болам, - деди кампир.

— Нима касб килай? Хамма касбларнинг хам бозори касод. Ота касбим кавушдўзликни килайми? Аввало шуки, кавуш тикишга на чарм бор, на сирач, на мих, на лок.

Масаллигининг ўзи битиб чиккан кавушдан уч баравар киммат. Хаммоллик килай десам, аввалгидек коплаб галла, коплаб сабзи-шолгом оладиган бадавлатнинг тухуми куриган. Тунов куни шу маҳалланинг девкор этикдўзларидан Бувамат ота бутун колипт-у шон-у сўзан, бигизларини улгуржисига икки пуд жўхори унга мовоза килди. Яхши килди. Унинг этигини киядиган ўзбек, козок, киргиз дехконлари каёқда дейсиз, колган эмас. Факат уларнинг етимларигина шахримизни тўлдириб юрибди. Кайси бурчакка, кайси чордеворга бош сукманг, ўн бешта етим ювуксиз кўлини чўзиб: «Амаки, нон беринг», дейди. Нон-а, ўзимникига тополмайман-у! Битта ман эмас, буви, маҳалладаги хамма косибларнинг ахволи шунака. Пичокчилар хам, бўзчилар хам, кўнчилар хам, борингки, мактаб домлалари хам, муллаваччаларнинг хам ранги пано. Бир кошик оби ёвгонга зор. Санкиб юрибди.

— Хув, худоё уруши бошига етсин, киёмат-койим дегани шудир-да, а, ўгригина болам-а. Ха, майли, шу етимларнинг хам пешанасига ёзгани бордир. Хўш, энди ўзингдан сўрай. Ахир, ноиложликдан-ку, шу харом йўлга кадам босибсан, ўзига тўкрок, бадавлатрок одамларникига борсанг бўлмайдими? Мана шу маҳаллада Карим кори деган читфуруш бор, Одилхўжабой деган пудратчи бор. Матёкуббой деган кўнчи бор. Буларнинг давлати-ку мил-мил. Бешикдаги боласи хам четига байт ёзилган чинни косада ош ичади.

Шуларнинг томини тешсанг бўлмайдими?

— Эй, бувим тушмагур, соддасиз-да, содда, - деди ўгри. - Бойларнинг уйига тушиб бўладими, уларнинг пахсаси саккиз кават, эшиклари темирдан, хар биттасининг кўрасида эшакдай-эшакдай иккита, учтадан итлари бор. Бу итлар ховли сахнидан битта капалак ўтса, бир хафта вовуллайди. Одилхўжабойнинг гуломгардишида-чи[6], милтик ушлаган городовой туради. Жонимдан кечибманми, ўлдирмаганда хам сибир килиб юборади.

— Бу гапинг хам тўгри, ўгригина болам. Аммо-лекин эҳтиёт бўл. Эл-юртнинг олдида тагин бадном бўлиб колмагин, - деди бизнинг кампир.

— Гапингиз тўгри, буви, тунов куни Ориф сассикнинг отхонасидан тўртта товук, битта хўroz ўмарган эдим.

— Товук, хўroz дедингми? Ха, бу маҳлуклари кургур какаклаб сени шарманда килмадими?

— Хамма ишнинг хам ўз мароми бўлар экан, буви, товук олгани борганда чўнтағимга бир шишага сув солиб оламан. Кейин кўндоқнинг тагига бориб, оғзимни сувга тўлдириб товукларга пуркайман. Товукдай ахмок жонивор оламда йўк. Ёмгир ёғяпти, шекилли, деб ўйлаб, бошини ичига тикиб, хап ётаверади, кейин битта-битта хикилдогидан тутиб халтага соламан.

— Шунака дегин,вой тавба-эй. Хамма хунарнинг хам ўзининг мурт гардони[7] бўлар экан-да.

— Шундай килиб десангиз, бувижон, сиримнинг хашаги очилишига оз колди. Йўк, элликбошимиз Раҳмонхўжага хўрозни олиб бориб берган эдим, ишни босди-босди килиб юборди. Раҳмонхўжа мен билан тузук, яхши одам. Бултур уни-буни сотиб, саксон уч сўм пул жамгариб: «Топганимиз шу, элликбоши ота», деб пора берган эдим, рабочийга кетишдан олиб колди.

— Ха, ишқилиб, бола-чакасининг эгилигини[8] кўрсин. Энди буёкка кара, ўгри болам, хадемай тонг хам ёришиб колар. Ана, ёруг юлдуз хам тиккага келиб колди. Ошхонанинг ёнидаги тутдан сиргалиб пастга туш, ўтинимиз йўк. Ошхонада бир замонлар bogдан келган бир-иккита ёнгок тўнка бор, болтани олиб, шунинг бир чеккасидан озгина учирив бер, кумгон кўяман. Кеча тоганг бериб кетган зогорадан иккитасини олиб кўйганман, биргаллашиб чой ичамиз.

— Йўг-э, буви, - деди ўгри, - тўнка ёриб-ку берарман, аммо чой ичолмайман, чунки кун ёришиб колса, мени таниб коласиз. Жуда хам юзимни сидириб ташлаганим йўк, андишам бор, уяламан.

— Вой ўлай, кутлуг уйдан курук кетасанми, болам? Бир нима олиб кет. Тўхта, нима олиб кетсанг экан, ха, дарвоке, ошхонада битта ярим пудлик козон бор. Аллазамонлар уйимизда одамлар кўп эди, катта козонда ош ичардик. Худонинг гашига тегдик шекилли, шундок катта, гуркираган хонадондан мана шу тўрттагина етим колиб туриби. Эх-ха, булар качон катта козонни кайнатар эди-ю... Шуни олиб кета кол. Сотиб бир кунингга яратарсан, ўгригина болам.

— Йўк, йўг-э, буви, ёмон ният килманг. Ха-хув дегунча бу кунлар хам унут бўлиб кетади. Яна катта оиласалар жам бўлади. Хатто бу козон хам кичиклик килиб колади. Ўша етимларнинг ўзига буюрсин. Тўйларида ўйнаб-кулиб хизмат килайлик. Хайр энди, буви, мен кетаман, тог томон хам ёришиб колди.

— Хайр, ўгригина болам, келиб тур.

— Хўп, она, хўп...

Мен ўша ўгри кишини танир эдим. Халигача хеч кимга кимлигини айтган эмасман.

1. ↑ Увунтўда - эски, титилиб кетган.
2. ↑ Турмучлаб - буклаб.
3. ↑ Лут-лоямут - етарли овкат.
4. ↑ Чавати нон - оширилмаган хамирдан килинадиган юпка нон.
5. ↑ Керинска пошшо - Россияда 1917-йилнинг февралидан октябр ойига кадар хукм сурган муваккат (вактинчалик) хукумат бошлиги.
6. ↑ Гуломгардиш - ховли дарвозаси ёнида куллар яшайдиган қулба; бу ерда «йўлак» маъносида ишлатилган.
7. ↑ Мурт гардони - хисоб-китоби, жавоби.
8. ↑ Егилигини - «рохатини», «орзу-хавасини» маъносида.